




“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Марғилон шаҳар Мактабгача таълим

бўлими мудири:

 X.Курбанова
“09” ноябрь 2022 йил

БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАБ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: **Фарғона вилояти Марғилон шаҳар мактабгача таълим ташкилотлари эҳтиёжи доирасида 2022-2023 йиллар учун 10672 кг пиёз захираси сотиб олиш (қиймати КҚС билан).**

- 1.2. Танловнинг юқори қиймати КҚС билан **37 352 000 (Ўттиз етти миллион уч юз эллик икки минг) сўм.** Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартномаимзоланган кундан бошланади.
- 1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг **30%** миқдорида аванс тўловини ўтказиб беради.
- 1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун шартномавий қийматининг **70%** доирасида амалга оширилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. **Марғилон шаҳар мактабгача таълим бўлими** (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: **Марғилон шаҳар МТБ**

Эл.адрес msultanov@mail.ru

- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харидкомиссияси томонидан ўтказилади
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Танлаш иштирокчиси қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида, инсофизиз ижро чилиарнинг ягона реестрида мавжуд эмаслиги хақида, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисида кафолат хати
- Техник топшириқ талабларига мувофиқ тақдим этилган маҳсулот намунаси сифатига кўра энг юқори балл билан баҳоланади

- Танлаш иштирокчисининг соликлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солик органи ва хизмат кўрсатувчи банқдан олинган маълумотнома
 - Танлаш иштирокчисининг умумий фаолияти ҳақида маълумотнома
1. Низом маблағи микдори.
 - 3.1. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
 - 3.2. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.2. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:
 - Техник қисмда, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
 - Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.
 - Танлов иштирокчилари хар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит холда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган холда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.
- 4.3. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:
 - Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатларрўйхати илова қилинади);
 - Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.
- 4.4. Танлов иштирокчиси:
 - фақат битта таклиф бериши мумкин;
 - тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигигатўлиқ жавобгар бўлади;
 - таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

- 5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарориасида амалга оширилади.
- 5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тұғрисида танловда иштирек этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдын санадан камида уч күн олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдын муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тұғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдын санадан камида икки күн олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тұғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисигателиши тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади